

ЖИНОЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШ

Тоиров Отабек Ғайрат ўғли

Жиззах шаҳар ИИБ ҳузуридаги ТБ ходими

+99895-224-01-77

Аннотация. Ушбу мақолада жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, унинг кўринишлари, турларига қаратилган ва ҳозирги кундаги жиноятларнинг кўринишини ифодалайди.

Калит сўзлар. Талон-торож қилиш, легаллаштириш, ўзлаштириш (растрата), ижтимоий хавфли қилмиш, мол-мулк ва ҳ.к.



Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш Евроосиё гуруҳига аъзо давлатларнинг ўзаро баҳолашнинг 2-босқичини ўтказиш режасига мувофиқ 2019–2020 йилларда Ўзбекистоннинг ушбу йўналишдаги миллий тизимини ўзаро баҳолаш режалаштирилган. Ушбу босқичдан муваффақиятли ўтиш ва Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чикувчи гуруҳнинг тавсиялари ижросини таъминлаш мақсадида ушбу соҳада

фаолият юритувчи вазирлик ва идоралар иштирокида хавфларни миллий даражада баҳолаш ўтказилмоқда. Уларнинг мансабдор шахслари зиммасига ўз йўналиши бўйича шахсий жавобгарлик юкланди. Мисол учун, банклар кредит ташкилотлари ҳамда қимматбаҳо металллар ва тошлар билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар бўйича Марказий банк раисининг ўринбосари жавобгар. Жами 6 та сектор бўлиб, масъул амалдорлар сони ҳам шунча. Хужжат билан ташкил этилган Комиссия хавфларни баҳолаш бўйича ишларни ташкил этиш, ушбу соҳадаги давлат сиёсатини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш, тавсияларини ва мазкур соҳадаги халқаро

хужжатларни имплементация қилиш, шунингдек ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш ва ҳуқуқбузарликларни содир этиш сабабларини аниқлаш билан шуғулланади. Комиссиянинг ишчи органи – Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти. Унга кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш фаолиятига жалб қилинган ташкилотларнинг (банклар, кредит, риэлторлик, лизинг ташкилотлари, адвокатура, нотариат ва ҳ.к.) ходимларини ўқитиш ҳамда уларнинг малакасини ошириш чораларини кўриш вазифаси топширилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2023
2. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Т. 17. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
3. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т. 19. – Т.: Ўзбекистон, 2011.
4. Каримов И.А. Бизнинг ёлимиз демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом еттириш ёлидир. Т. 20. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (2018 йил 1 февралгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. –.: «Адолат» Т., 2018.
6. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (2018 йил 1 февралгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. –.: «Адолат» Т., 2018
7. Ички ишлар органлари тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 16.09.2016 йилдаги ЎРҚ-407-сон, кучга кириш санаси 18.03.2017 ..